

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
ХУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD/37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛЛАЁРОВ ЖАХОНГИР ТОШПЎЛАТОВИЧ**

**ФУҚАРОЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ХАЛҚАРО  
СУДЛОВЛИЛИК ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқук

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Аллаёрөв Жахонгир Тошпўлатович**

Фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича халқаро судловлилик институтини  
такомиллаштириш .....3

**Allayorov Jahongir Toshpolatovich**

Improvement of the institution of international jurisdiction in civil and economic  
cases .....25

**Аллаёрөв Жахонгир Тошпўлатович**

Совершенствование института международной подсудности по гражданским  
и экономическим делам

.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
ХУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD/37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛЛАЁРОВ ЖАХОНГИР ТОШПЎЛАТОВИЧ**

**ФУҚАРОЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ХАЛҚАРО  
СУДЛОВЛИЛИК ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқук

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси манзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2019.3.PhD/Yu299 рақам билан рўйхатга олингани.**

Докторлик диссертацияси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sudyalaroliymaktabi.uz](http://www.sudyalaroliymaktabi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашев Восиджон Ёқубович,**  
юридик фанлар номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Насриев Илҳом Исмоилович,**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Сафоева Садоқат Мусоевна,**  
юридик фанлар номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат юридик университети**

Диссертация ҳимояси Судьялар олий мактаби хузуридаги PhD.37/27.02.2020.Yu.107.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «19» январь соат 15:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси 6-йй. Тел.: (99855) 501-01-89);, факс: (99855) 501-01-89),, e-mail: [tm\\_devon@mail.ru](mailto:tm_devon@mail.ru).

Диссертация билан Судьялар олий мактаби Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5-ракам билан рўйхатта олингани). (Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси 6-йй. Тел.: (99855) 501-01-89).

Диссертация автореферати 2022 йил 10 январь куни тарқатилди.

(2022 йил 10 январдаги 1-ракамли реестр баённомаси).



**К.О.Синдаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, доцент

**У.М.Сайдахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хотиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

**Б.Б.Симарходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда глобаллашув жараёнларининг таъсири натижасида мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва гуманитар алоқалар ҳар қачонгидан ҳам интенсивлашиб бормоқда. Ўз навбатида, чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий муносабатлар ҳажми ва кўлами ning ортиши ушбу муносабатга киришадиган тарафлар ўртасида низолар сонининг объектив равишда кўпайишига олиб келмоқда. Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабат иштирокчиларининг одил судловга эришиш кўрсатгичи давлатнинг ҳалқаро нуфузига оид муҳим индикатор ҳисобланади. Жаҳон одил судлов лойиҳасининг (WJP) «Rule of Law Index» индекси кўра, мамлакатимиз фуқаролик (иктисодий) ишлар бўйича одил судловга эришиш рейтингида минтақа давлатлари орасида 7 ўринни эгалаб турибди<sup>1</sup>. Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабат иштирокчиларининг одил судловга эришиши учун янада самарали механизмларни ишлаб чиқиш белгиланган вазифалар<sup>2</sup> ижросини таъминлаш, шунингдек суд-хукуқ тизимидағи ислоҳотларни изчил давом эттириш зарурати билан изоҳланади.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам одил судловга эришиш ҳукуқи умумэътироф этилган инсон ҳукуки сифатида ҳар қандай манфаатдор шахсга суд ва бошқа органларга эркин мурожаат қилиши, шунингдек низоларни ҳал қилишнинг барча босқичларида иштирок этиши давлат томонидан кафолатланадиган тенг имконият эканлиги таъкидлаб келинади. Чет эл элементи билан мураккаблашган низоларда ҳалқаро судловлиликни тўғри белгилаш одил судловга эришишнинг бирламчи шарти ҳисобланади. Шу мақсадда «Ҳалқаро хусусий ҳукуқ бўйича Гаага конференцияси» томонидан ҳалқаро судловлиликка оид бир қанча ҳалқаро конвенция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Бугунги кунда, дунёning кўплаб давлатларида ҳалқаро судловлиликнинг ҳукуқий табиатини тадқиқ қилиш, бу борада илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва шу асосида миллий қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқиш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб масала ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2016-2020 йиллар давомида иктисодий судлар томонидан кўриб чиқилган чет эл элементи билан мураккаблашган низолар сони жами 14765 тани, фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилган чет эл элементи билан мураккаблашган низолар сони жами 741 тани ташкил этган<sup>3</sup>. Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ҳукуқий механизмлардан бири чет эл элементи билан мураккаблашган низоли ишни суд томонидан кўриб чиқиш ваколатини белгиловчи қоидаларининг бир хилда қўлланишини талаб қиласди. Бироқ,

<sup>1</sup> [https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online\\_0.pdf](https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-ROLI-2020-Online_0.pdf)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ – 6003-сонли Фармони // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.06.2020 й., 06/20/6003/0708-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 31.03.2021 йилдаги 07/14-5694-122-сон хати.

бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Иқтисодий процессуал кодексларида халқаро судловлилик қоидаларини белгилаш асослари бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу билан бир қаторда, чет эл судларининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларда чет эл давлат судларининг ваколатини текшириш билан боғлиқ халқаро судловлилик тўғрисидаги шартномаларнинг хуқуқий табиатига оид концептуал қарашлар ишлаб чиқилмаганлиги мазкур муаммоларни илмий-назарий тадқиқ этишни талаб этади.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ЎзР ФПК юритилади) (2018), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ЎзР ИПК юритилади) (2018), Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни (2021), Ўзбекистон Республикасининг «Судьялар Олий кенгаши тўғрисида»ги Қонуни (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар халқаро судловлилик институтига доир муаммолар юртимиз хуқуқшунослари томонидан алоҳида илмий мақолалар, тезислар ва монографиянинг бир қисми шаклида ўрганилган. Жумладан, В. Эргашев халқаро фуқаролик процессининг халқаро хусусий хуқуқ предмети, Н. Раҳмонқулова халқаро хусусий хуқуқ тўғрисидаги қонунчиликни кодификациялаш, И. Рустамбеков интернет тармоғида вужудга келадиган низоларнинг халқаро судловлилиги муаммолари, Х. Абдураҳмонова фарзандликка олиш ҳамда алимент ундириш бўйича, Ш. Шораҳметов, З. Эсанова, М. Мамасиддиқов ва Д. Хабибуллаевлар томонидан суд ваколатларининг умумий асослари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

МДХ мамлакатларида Л. Лунц, Н. Елисеев, А. Лисицын-Светланов, И. Дробязкина, К. Сюрмееев, А. Савельев, В. Терехов, А. Щукин, М. Сухомлинова, А. Мамаев, М. Агаларовалар халқаро судловлиликнинг хуқуқий табиати, турлари ва процессуал хусусиятлари каби жиҳатлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борган<sup>5</sup>.

Хорижий мамлакатларда Mukarrum Ahmed, Bimal Raut, Ana Georgina Alba Betancourt, Rami El Borai, Michael Christian Alexander Kant, Milana Karayanidi, Zampia G. Vernadaki, Robert Thomas Currie Telfer, Mark Leo Hyland, Sophie Strecker, Filip Saranovic, Trevor C Hartley, Adrian Briggs, Faye Fangfei Wang, Guangjian Tu, Arthur von Mehren, Stefania Bariatti, Zheng Sophia Tang, Sai Ramani Garimella, G C Cheshire; P M North; J J Fawcett, Mauro Cappelletti, Pascal de Vareilles-Sommières, Peter E Herzog, Ulrich Magnus, Peter Mankowski ва бошқалар томонидан халқаро судловлилик институтига оид изланишлар олиб борилган<sup>6</sup>.

Гарчи ушбу олимлар томонидан халқаро судловлилик билан боғлиқ у ёки бу масалалар маълум даражада тадқиқ этилган бўлса-да, бугунги кунда халқаро судловлиликни такомиллаштиришга оид асосий ва долзарб муаммолар мамлакатимизда ҳали алоҳида тадқиқот обьекти сифатида комплекс равишда ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши мавзуси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Илмий кенгашининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишлар” комплекс дастури доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мамлакатимизда фуқаролик ва иқтисодий суд ишларида халқаро судловлилик институти билан боғлиқ илмий-амалий муаммоларни таҳлил этиш ва уни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқаро фуқаролик процессининг халқаро хусусий хуқуқ соҳасидаги ўрнини белгилаш;

халқаро судловлилик институтининг хуқуқий табиатини аниқлаш;

халқаро судловлилик институтининг самарали хуқуқий тартибга солиш механизмларини шакллантириш учун мақбул моделларни танлаб олиш;

халқаро судловлилик институтига оид халқаро тенденцияларни таҳлил қилиш;

халқаро судловлилик институтига оид икки ва кўп томонлама шартномаларни таҳлил қилиш орқали уларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш;

халқаро судловлилик институтига оид миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

<sup>5</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

<sup>6</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

**Тадқиқотнинг обьектини** чет эл элементи булан мураккаблашган низоларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва иқтисодий судлари томонидан кўриб чиқишида халқаро судловлиликни белгилаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** халқаро судловлиликни белгилашга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар, халқаро шартномалар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, хуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда халқаро судловлиликка мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва хуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида тизимли-тузилмавий, қиёсий-хуқуқий, мантиқий, тарихий-юридик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

низо Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилган қимматли қофозларнинг муомаласи билан боғлиқ муносабатлардан юзага келгандан уни Ўзбекистон Республикаси судлари томонида кўриб чиқиш лозимлиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки бўлган мол-мулкка нисбатан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, давлат мулкини хусусийлаштириш, давлат эҳтиёжлари учун мулкни мажбурий тартибда олиб қўйиш ҳамда Ўзбекистон Республикасида жойлашган кўчмас мол-мулк билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Республикаси судларининг мутлақ судловлилигига тегишли бўлиши зарурлиги асосланган;

тарафлардан ҳеч бўлмаганда бири чет эллик шахс бўлган тақдирда ва улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди уларнинг иқтисодиёт соҳасида амалга оширган фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган низони кўриш бўйича ваколатга эга деб белгиланган битимни тузса ва бундай битим чет давлат судининг мутлақ ваколатларини ўзгартирмаса, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди ушбу низони кўриш бўйича мутлақ ваколатларга эга бўлишининг зарурлиги асослантирилган;

тараф томонидан низо ваколатсиз чет давлат суди томонидан ҳал этилганлигини тасдиқловчи далил тақдим қилинганда чет давлат судининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш зарурлиги асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

халқаро судловлиликни белгилашда ички судловлилик қоидаларидан воз кечиши (икки томонлама функционаллик) ва тўғридан-тўғри қўлланадиган нормаларни киритиш лозимлиги асослаб берилган;

халқаро судловлилик қоидаларини халқаро-хуқуқий унификациялашнинг энг самарали воситаси сифатида универсал унификация қилиш зарурати асослаб берилган;

халқаро шартномалардаги халқаро судловлиликка оид нормаларни тўғридан-тўғри қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги «Судни танлаш тўғрисидаги Келишув» (Гаага Конвенцияси)<sup>7</sup>га қўшилиши зарурлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикасининг хукуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларида халқаро судловлилик бўйича шартномалар «Lis pendens» қоидасидан устун характерга эгалиги тўғрисида қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган;

жисмоний шахснинг фуқаролиги асосида халқаро судловлиликни белгилаш фақатгина оиласвий муносабатларга қўлланиши лозимлиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг иқтисодий судлар томонидан чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни юритишда халқаро судловлилик қоидаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисидаги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги судлар томонидан халқаро судловлилик қоидаларини қўллаш борасида мавжуд муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қиласди;

давлат реестрини юритиши, миллий юридик шахсларни ташкил этиши, қайта ташкил этиши ва тугатиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаросини вафот деб эълон қилиши, муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаросини фарзандликка олиш билан боғлиқ ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси судларининг мутлақ ваколатини белгиловчи нормаларни қонунчиликка киритиш зарурлиги асослантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот хорижий ва миллий конун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибасининг таҳлили, ҳукуқни қўллаш амалиётини умумлаштириб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган бўлиб, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши доирасида қўлга киритилган илмий-назарий хулосалардан халқаро судловлилик институтини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар олиб боришида, шунингдек «Халқаро хусусий ҳуқуқ», «Халқаро фуқаролик процесси», «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи», «Иқтисодий процессуал ҳуқуқи» каби юридик фанларни ўқитиши ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти халқаро судловлиликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда ҳукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

<sup>7</sup> [http://www.chinaruslaw.com/RU/International/2015930130210\\_656063.htm](http://www.chinaruslaw.com/RU/International/2015930130210_656063.htm)

низо Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилган қимматли қоғозларнинг муомаласи билан боғлик муносабатлардан юзага келгандан уни Ўзбекистон Республикаси судлари томонида кўриб чиқиш лозимлиги тўғрисидаги таклиф «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги ЎРҚ – 461-сонли Конуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 239-моддаси биринчи қисм 7-бандини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Конунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд ҳукуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 27 апрелдаги 06/1-05/2176-сон далолатномаси). Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилган қимматли қоғозларнинг муомаласи билан боғлик муносабатда чет эл субъектларининг одил судловга эришишини таъминлашга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки бўлган мол-мулкка нисбатан низолар бўйича, шу жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкини хусусийлаштириш ҳамда давлат эҳтиёжлари учун мулкни мажбурий тартибда олиб қўйиш билан боғлик низолар бўйича ишлар ҳамда предмети қўчмас мол-мулк бўлган низолар бўйича, агар бундай мол-мулк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса, бундай мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги низолар бўйича ишлар Ўзбекистон Республикаси судларининг мутлақ судловлилигига тегишли бўлиши зарурлиги тўғрисидаги таклиф «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги ЎРҚ – 461-сонли Конуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 240-моддаси диспозициясини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Конунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд ҳукуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 27 апрелдаги 06/1-05/2176-сон далолатномаси). Ушбу таклиф даъво предмети давлат мулки бўлган мол-мулкка оид низоларни кўриб чиқишида давлат суверенитети ва оммавий-ҳуқуқий манфаатлар устуворлигини таъминлашга хизмат қилган;

тарафлардан ҳеч бўлмаганда бири чет эллик шахс бўлган тақдирда ва улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди уларнинг иқтисодиёт соҳасида амалга оширган фаолияти билан боғлик ҳолда юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган низони кўриш бўйича ваколатга эга деб белгиланган битимни тузса ва, башарти, бундай битим чет давлат судининг мутлақ ваколатларини ўзgartирмаса, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди ушбу низони кўриш бўйича мутлақ ваколатларга эга бўлишининг зарурлиги тўғрисидаги таклиф «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги ЎРҚ – 461-сонли Конуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 241-моддаси диспозициясини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Конунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд ҳукуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 27 апрелдаги 06/1-05/2176-сон далолатномаси). Ушбу таклиф низони ҳал қилувчи судни

хукуқий муносабат субъектларининг эрк мухторияти асосида танлашнинг хукуқий асосини яратишга хизмат қилган;

тараф томонидан низо ваколатсиз чет давлат суди томонидан ҳал этилганлигини тасдиқловчи далил тақдим қилинганда чет давлат судининг қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш зарурлиги тўғрисидаги таклиф «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақидаги»ги ЎРҚ-461-сонли Конуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 255-моддаси биринчи қисм 7-бандини ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақидаги»ги ЎРҚ-460-сонли Конуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 370-моддаси биринчи қисм 7-бандини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд хукуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 27 апрелдаги 06/1-05/2176-сон далолатномаси). Ушбу таклиф чет давлат судининг ҳалқаро судловлилик ваколатини аниқлаш орқали унинг қарорларини Ўзбекистон Республикасида тан олиш ва ижрога қаратиш асосларини аниқлаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та ҳалқаро ва 2 та республика миқиёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларида 8 та мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация тузилиши кириш, 9 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат. Диссертация ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усуслари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганини, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганини, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ҳалқаро судловлилик институтининг юридик табиатига умумий тавсиф**» деб номланиб, унда

халқаро фуқаролик процессининг халқаро хусусий ҳуқуқдаги ўрни, халқаро судловлилик тушунчасига оид илмий-назарий қарашлар, унинг ҳуқуқий табиати, халқаро судловлиликнинг ҳуқуқий мақоми ва халқаро судловлилик моделлари таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи халқаро фуқаролик процесси ва халқаро судловлилик тушунчаларини таҳлил қилишда кўплаб (G.P. Cheshire, M. North, J. J. Fawcett, M. Cappelletti, J. Perillo, Л.М. Лунц, Г.К. Дмитриева, В.П. Звеков, Г.Ю. Федосеева, Л.П. Ануфриева, Т.Н. Нешатаева, Л.Н. Галенская, Е.А. Осавелюк, Г.Ю. Федосеева, Н.М. Юрова, И.В. Гетьман-Павлова, Н.Ю. Ерпылева, В. Эргашев) олимларнинг фикр ва қарашларидан фойдаланиб, улар билан мунозарага киришган. Халқаро фуқаролик процесси ва халқаро судловлилик тушунчасига қуидаги муаллифлик таърифи берилган:

«халқаро фуқаролик процесси – халқаро хусусий ҳуқуқнинг таркибидаги чет эл элементи билан мураккаблашган процессуал муносабатларни тартибга солувчи комплекс характерга эга бўлган мустақил кичик ҳуқуқ соҳаси»,

«халқаро судловлилик – халқаро фуқаролик процесси таркибидаги чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳал қилиш бўйича ваколатнинг мавжудлигини аниқловчи ҳуқуқ институти».

Тадқиқотчининг фикрига кўра, халқаро фуқаролик процесси миллий фуқаролик процессуал ҳуқуқ соҳасидан тартибга солиш обьектига кўра фарқланади. Ушбу фарқ суд томонидан хорижий давлатнинг процессуал нормалари ёки халқаро шартномалардаги процессуал нормаларнинг қўлланиши, хорижий давлат моддий ҳуқуқини қўллаш ва уни хорижий давлат амалиётида қўлланилганидек татбиқ қилиниши, юрисдикциялар коллизиясини ҳал қилиш масаласи, шунингдек айнан бир турдаги нормаларнинг бир давлатда моддий норма сифатида бошқа давлатда процессуал норма сифатида таснифланиши муаммоларининг мавжудлиги билан асослантирилади. Халқаро фуқаролик процесси миллий фуқаролик процессуал ҳуқуки таркибига кирмайди, балки у билан чамбарчас боғлиқликда мавжуд бўлади. Миллий процессуал нормалар билан халқаро фуқаролик процесси нормалари ўзаро параллеллик касб этади ҳамда фуқаролик процессуал муносабат чет эл элементи билан мураккаблашгандан сўнг халқаро фуқаролик процесси нормалари амал қила бошлайди. Муаллиф назарияда илгари сурилган процессуал муносабатнинг моҳияти тўғрисидаги фикрни ривожлантириб, халқаро фуқаролик процессуал муносабат субъектларининг эрк-иродасига кўра юзага келиши ҳамда мазкур жараёнда оммавий ва хусусий асослар бирлиги намоён бўлишини асослантиради.

Диссертацияда умумий предмет ва ҳуқуқ нормалари қўлланиладиган муносабатларнинг яхлитлиги, халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процессида миллий режим, процессуал ҳуқуқий лаёқат, давлат иммунитети, оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ, реторсия каби ҳуқуқ институтларининг қўлланиши, ягона мақсад – чет эл ҳуқуқини миллий ҳуқуқий тартиботида қўллаш имкониятини яратиш, шунингдек асосий мезон ҳуқуқий муносабат

чет эл элементи билан мураккаблашганлиги халқаро фуқаролик процессини комплекс характерга эга бўлган мустақил кичик ҳуқуқ соҳаси сифатида халқаро хусусий ҳуқуқ таркибиға кириши илмий-назарий жиҳатдан асослантирилган.

Тадқиқотчи томонидан назария ва амалиётда тушунчалар ўртасида чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида «халқаро судловлилик» тушунчаси тўғрисидаги турли қарашлар таҳлил қилиниб, уни «юрисдикция» ва «компетенция» тушунчаларидан фарқлаш лозимлиги тўғрисида фикр илгари сурилади. «Халқаро судловлилик» давлат судларининг ваколат доирасини белгиласа, «юрисдикция» атамаси нафақат судлар, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ҳам қамраб олади (нотариат, ФҲДЁ). Юрисдикция давлатнинг ўз худудида мутлақ суверенитетга эгалигини билдиради, ҳокимият тизими (суд, ижро ва қонун чиқарувчи) ушбу суверенитетни амалга оширишда ўз юрисдикцияларига асосан фаолият юритади. Қонунчилик билан судларга берилган ваколат доираси ҳар бир суднинг компетенцияси ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, халқаро судловлилик чет эл элементи билан мураккаблашган ишларни кўриб чиқищдаги суд ваколатларидан бири ҳисобланса, суд компетенцияси ушбу ишни кўриб чиқищдаги суднинг барча ваколатлари йиғиндиси сифатида тушунилади дейиш мумкин.

Чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий турдаги ишларни давлат судлари томонидан кўриб ҳал қилиш ваколатига нисбатан «халқаро судловлилик» атамасини қўллаш мақбул бўлиб, биринчидан, миллий маъмурий органлар ва судлар ҳамда халқаро судлар ўртасидаги фарқни аниқлаб олишга ёрдам беради, уларнинг ҳар бирига хос бўлган белгилари юрисдикцион фаолиятнинг мустақил субъекти эканлигини кўрсатади, иккинчидан, «халқаро судловлилик» атамасини қўллаш давлат суверенитетини чет эл элементи билан мураккаблашган ишларни кўриб чиқищдаги тор доирадаги ваколатини англашиб, суднинг кенг маънодаги ваколатини ташкил қилувчи бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларидан (компетенция) фарқлашга хизмат қиласи.

Тадқиқотчи халқаро судловлиникнинг умумий, муқобил, шартномавий ва мутлақ турлари борлигини қайд этиб, уларга оид нормаларнинг тартибга солиши предметининг бирлиги, мантиқий тизимлаштирилганлиги, халқаро судловлиликка оид нормаларнинг обьекти чет эл элементи билан мураккаблашган суд ишлари бўлиши, суд ва бошқа суд иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаши ва улар ўртасидаги муносабатни тартибга солишига асосланиб халқаро судловлилик ҳуқуқ институти сифатида таснифланиши лозимлигини назарий жиҳатдан исботлайди.

Тадқиқотчи миллий процессуал ҳуқуқнинг тааллуқлилик ҳамда судловлилик институтлари тўғрисида фикр юритган олимларнинг (Ш. Шораҳметов, Ю. Осипов, М. Шакария, М. Мамасиддиқов) ёндашувлари асосида ушбу процессуал институтларнинг халқаро судловлилик билан ўзаро нисбатини таҳлил қилган. Халқаро судловлилик институти тааллуқлилик ва судловлилик институтлари каби суднинг ишни ўз юритувига олиш

ваколатининг чегараларини белгилаб берса-да, халқаро судловлиликда ваколат бир томонлама белгиланади. Бинобарин, халқаро судловлилик миллий судлар чет эл элементи билан мураккаблашган низоларни кўриб чиқиш ваколати борлигини ҳал этиб, чет эл давлат судлари ушбу ваколатга эгалиги тўғрисидаги масалани белгиламайди. Халқаро судловлилик суд ишни кўриб чиқишга ваколатли эканлигини аниқловчи, тааллуқлилик ва судловлиликдан алоҳида, мустақил механизм ҳисобланиб, низо чет эл элементи билан мураккаблашганда ҳаракатга келади.

Тадқиқотчи тааллуқлилик, судловлилик ва халқаро судловлилик нормаларини қўллашда уларнинг қай бири бирламчи аҳамиятга эгалиги тўғрисидаги доктринал ёндашувларни (И. Шевченко, Н. Шебанова, И. Дробязкина, А. Осипов, Х. Кох) танқидий таҳлил қиласи ҳамда суд ишни ўз юритувига олишда процессуал воситалардан оқилона фойдаланиши, ишни кўриб чиқиша муддатлар чекланганини инобатга олиб, агар низони кўриб чиқишга суднинг ваколати бўлмаса, ваколатсизлик қайси қоидаларни қўллашдан келиб чиқишидан қатъи назар иш кўриб чиқилмаслиги лозим, деган янги илмий нуқтаи-назарни илгари суради.

Диссертацияда халқаро судловлиликни белгилашга оид «садиклик» (relational theory), «жисмоний боғлиқлик» (power theory), «қулайлик» (convenience theory) каби назарияларни қиёсий-хуқуқий ўрганиш асосида роман-герман ва англо-саксон хуқуқ оиласида тарихий шаклланган очик ва ёпиқ моделларнинг процессуал-хуқуқий табиатига илмий тавсиф берилади. Халқаро судловлиликнинг очик моделида давлатлар ўз юрисдикцион ваколатларини чеклаш орқали халқаро ҳамкорликка кўнг ўрин ажратади. Ёпиқ модел «садиклик» (relational theory), «жисмоний боғлиқлик» (power theory) назарияларидан келиб чиқиб низо давлат билан минимал даражада боғлиқ бўлса ҳам, уни ўз ваколатига киритиш йўлидан боради. Тадқиқотчининг фикрига кўра, «жисмоний боғлиқлик назарияси» ёки «садоқат назарияси»га асосланиб халқаро судловлиликни тартибга солиш самарасиз ҳисобланади. Очик модельда давлат хорижий давлатнинг юрисдикциясини тан олиши, ўз юрисдикциясини амалга оширишни ҳаддан ташқари кенгайтирмаслиги ҳамда низоли ҳолларда хорижий давлат фойдасига ўз юрисдикциясидан воз кеча олиши, бинобарин, трансчегаравий муносабатларнинг хуқуқий ҳимояси давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига самарали таъминланишини эътиборга олиб, халқаро судловлиликнинг очик моделини яратиш истиқболдаги муҳим вазифа экани назарий жиҳатдан асослантирилади.

Диссертациянинг **«Халқаро судловлиликка оид халқаро шартномалар ва замонавий тенденциялар»** деб номланган иккинчи бобида Евropa Иттифоқида халқаро судловлиликни тартибга солиш бўйича конунчиликдаги ёндашувлар, хорижий давлатларда халқаро судловлиликни миллий ва халқаро хуқуқий механизmlар асосида тартибга солиш тажрибаси, уларга оид замонавий тенденциялар, халқаро судловлилик институтини тартибга солувчи нормаларни унификация қилишнинг доктринал асослари, виртуал маконда вужудга келувчи хуқуқий муносабатларга халқаро

судловлилик қоидаларини татбиқ этиш истиқболлари, давлат иммунитети, шунингдек Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган миңтақавий ҳамда икки томонлама ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларда халқаро судловлилик масалалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Ривожланган ҳуқуқ тизимиға эга давлатларнинг халқаро судловлиликка доир қонунчилигининг таҳлили самарали одил судловни таъминлашга йўналтирилган бир қатор ўзига хос замонавий ёндашувлар қўлланилаётганигини кўрсатмоқда. Жумладан, халқаро судловлиликни белгилаш бўйича ички судловлилик қоидаларидан воз кечиш (икки томонлама функционаллик) ва тўғридан-тўғри қўлланадиган нормалардан фойдаланиш (Нидерландия, Италия ва Швейцария), шунингдек шартномавий халқаро судловлиликни узвий боғлиқлик тамойили асосида белгилаш (Швейцария), жавобгар жойлашган жойни аниқлашда домицилийни бош мезон сифатида эътироф этиш (Германия, Испания, Италия), шу билан бирга унинг қоидаларини оиласи муносабатларга нисбатан қўлланилишини чеклаш (Нидерландия) каби тенденциялар миллий процессуал қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида ҳисобга олиниши лозимлиги назарий жиҳатдан асослантирилган.

Тадқиқотчи Европа Иттифоқининг интернет воситасида виртуал маконда юзага келувчи низолар бўйича халқаро судловлиликни белгилашга қаратилган ёндашувларини таҳлил қилиб, халқаро судловлиликни белгилаш бўйича анъанавий асослар мазкур турдаги ишларни адолатли ҳал қилиш потенциалига эга эканлиги тўғрисида тўхтамга келади.

Блокчейн ва смарт-контракт технологияларига асосланган шартномаларга доир низолар бўйича халқаро судловлилик масаласи юзасидан турли доктринал ёндашувлар таҳлили асосида диссертант бундай низоларга нисбатан юқори қийматга эга бўлган даъволарга мўлжалланган халқаро фуқаролик процессидаги анъанавий воситаларни қўллаш иқтисодий нуқтаи назардан самарасизлигини ҳамда уларни блокчейн-арбитраж ва смарт-арбитраж механизмлари воситасида ҳал қилишнинг мақсадга мувофиқлигини асослайди.

Тадқиқот доирасида халқаро судловлилик бўйича миллий ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги объектив фарқларни минималлаштиришнинг оптималь ечими сифатида тегишли процессуал нормаларни бирхиллаштиришнинг халқаро-ҳуқуқий дастакларини ривожлантириш зарурлиги асослантирилган. Ўзбекистон Республикаси ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида 30 дан ортиқ шартномаларга қўшилган бўлса-да, уларнинг асосий қисми миңтақавий ҳамда икки томонлама шартномалар ҳисобланиб, универсал шартномаларга нисбатан бирхиллаштириш потенциали юқори эмас. Диссертант халқаро судловлилик соҳасида ҳуқуқий аниқликка эришиш, хусусий муносабат иштирокчиларнинг эрк мухториятини тўлақонли таъминлаш, суд қарорларини ижро этилиш даражасини ошириш, шунингдек тарафларнинг одил судловга эришишини осонлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 2005 йилдаги «Судни танлаш тўғрисидаги келишув» Гаага Конвенциясига қўшилиши лозимлигини илмий-амалий асослайди.

Тадқиқотчи «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича хуқуқий ёрдам ва хуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск ҳамда Кишинев Конвенцияларида мутлақ халқаро судловлиликни белгилаш бўйича бирхиллаштириш тўлиқ амалга оширилмаганлигини ва пировардида аъзо мамлакатлар суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш жараёнида муаммоларга дуч келаётганлигини қайд этиб, мазкур масала бўйича мазкур конвенцияларда ёпиқ рўйхатни (*numerus clausus*) шакллантиришни таклиф этади.

Икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалар сонининг ортиши, бир хил масала бўйича қайси шартноманинг қоидалари кўлланилиши борасида муаммоларни вужудга келтириши мумкин. Диссертант давлат бир масала бўйича ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама шартнома орқали иккинчи давлат билан алоқада бўладиган бўлса, қайси шартнома кўриб чиқилаётган иш масаласида маҳсус нормаларни ўз ичига олса, айнан шу шартноманинг қоидалари (*lex specialis derogat legi generali*) кўлланилиши лозимлигини асослантиради.

**«Миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари»** деб номланган учинчи бобда халқаро судловлиликни белгилаш бўйича миллий қонунчиликни ҳамда чет эл давлат суди қарорини Ўзбекистон Республикаси худудида тан олиш ва ижро этиш босқичида хорижий давлат судининг ваколатларини аниқлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган, шунингдек суд амалиёти материаллари таҳлил этилган.

Диссертант миллий фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчиликда халқаро судловлиликни белгилаш бўйича ягона комплекс ёндашув мавжуд эмаслигини танқидий таҳлил қилиб, халқаро судловлилик учун процессуал қонунчиликда яхлит мазмунга эга бўлган алоҳида нормалар ишлаб чиқиш лозимлигини илмий-назарий жиҳатдан асослайди. Жумладан, ЎзР ИПКдан фарқли равища ЎзР ФПКда халқаро судловлиликни ички судловлилик қоидалари бўйича белгиланиши (икки томонлама функционаллик) параллел суд ишларининг кўпайиши, бир давлат суди бошқа давлат бошқарув органи устидан қарор чиқариши, суд давлати (*forum*) билан юридик ва/ёки фактик алоқаси бўлмаган жавобгарга нисбатан қарор чиқарилиши каби номувофиқларга олиб келиши мумкинлигига эътибор қаратади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур боб доирасида халқаро судловлиликка доир замонавий назарий ёндашувлар (Manfred Wolf, Von Mehren, Ulrich Magnus, Adrian Briggs, Louise Merrett, Peter Gottwald, Tena Raković, Paul Beaumont, Zheng Sophia Tang ва бошқ.) ва хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда, халқаро судловлиликни белгилашнинг умумий, муқобил, шартномавий ҳамда мутлақ асосларини тартибга солувчи қоидалар ишлаб чиқилиши лозимлиги асослантирилган.

Умумий халқаро судловлилик умумэътироф этилган *«actor sequitur forum rei»* (даъвогар жавобгарнинг судига боради) қоидасига асосан белгиланиши лозим. Шу билан бирга, тадқиқотчи томонидан тарафлар эрк мухторияти, оммавий тартиб ҳамда муносабатнинг узвий боғлиқлиги тамойилларини эътиборга олган ҳолда, мазкур умумий қоидадан

истисноларни назарда тутувчи маҳсус қоидалар тизимини шакллантиришга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи низоларни ҳал этишда *адолат* ҳамда *бузилган ҳуқуқни тиклаш* парадигмаларини ҳисобга олган ҳолда чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатнинг (объекти, субъекти ёки мазмун) Ўзбекистон Республикаси билан узвий боғлиқлиги асосида жавобгар Ўзбекистон Республикасида жойлашмаганда ҳам муқобил халқаро судловлилик ўрнатилиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрларни илгари сурди. Хусусан, айрим муносабатлар бўйича муқобил халқаро судловлиликни белгилашда унинг қуидаги хусусиятларини эътиборга олиш лозим:

мол-мулк жойлашган жой асосида халқаро судловлиликни белгилашда *in rem* ҳамда *quasi in rem* қоидаларини даъво баҳоси мулк қийматидан анча юқори ёки талаб номулкий тусда бўлганда қўллаб-бўлмаслиги;

халқаро судловлилик филиал ва ваколатхона *фаолиятидан келиб чиқадиган* низоларга нисбатан белгиланиши;

шартнома мажбуриятларини бажариш жойини белгилаш *тегишили коллизион боғловчи ёрдамида* аниқланиши;

зарар Ўзбекистон Республикаси худудида *етказилса* ёки зарар оқибатлари Ўзбекистон Республикасида *юзага келса*, шунингдек истеъмолчиларга етказилган заардан келиб чиқадиган талабларнинг қўриб чиқилиши;

асосиз бойлик орттириш келиб чиқишига сабаб бўлган ҳаракат ёки вазият содир бўлган, ёхуд асосиз олинган / тўпланган мулк пайдо бўлган жойда низоларни қўриб чиқиш лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси худудида чиқарилган *ноэмиссиявий қимматли қоғозлар* муомаласи билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Республикаси судларида қўриб чиқилиши;

даъвогар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган *никоҳдан ажратиш* тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси судларида қўриб чиқилиши.

Тадқиқотчи томонидан «Судни танлаш тўғрисидаги келишув» Гаага Конвенцияси, «Фуқаролик ва иқтисодий ишлари бўйича юрисдикция ва суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида»ги Лугано Конвенцияси, Европа Иттифоқининг «Фуқаролик ва иқтисодий ишлари бўйича юрисдикция ва суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида»ги Регламенти қоидалари, шунингдек халқаро судловлилик тўғрисидаги шартнома бўйича тадқиқот олиб борган олимларнинг (Simon Patrick Camilleri, Burcu Yüksel, Avril Haines, R. Ходыкин ва бошқ.) фикрлари таҳлил қилинган ҳолда халқаро судловлилик тўғрисидаги шартномага қуидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган: «*халқаро судловлилик тўғрисидаги шартнома – чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий муносабатларга доир вужудга келган ёки келажакда вужудга келиши мумкин бўлган низоларни қўриб чиқиш бўйича давлат(лар) судининг компетенциясини ўрнатиш ёхуд чеклашга қаратилган шартномадир*».

Халқаро судловлилик тұғрисидаги шартнома моддий ва процессуал ҳукуқ билан узвий боғлиқлик касб этганлиги туфайли иккиёқлама юридик табиатта эга бўлиб, унинг процессуал жиҳати трансчегаравий низони қўриб чиқиши ваколатига эга бўлган давлат судини аниқлашда намоён бўлади.

Диссертант «итальян торпедаси» (*Italian torpedo*) деб номланган суд ишини юритиш тактикасининг салбий оқибатларини камайтириш, тарафларни одил судловга эришиш имкониятини кенгайтириш мақсадида ҳукуқий ёрдам тұғрисидаги халқаро шартномаларга халқаро судловлилик тұғрисидаги шартномалар «*Lis pendens*» (*биринчи иш қўзгатган суд ишини қўриб чиқшида устун мавқега эга*) қоидасидан устувор характерга эгалиги тұғрисидаси нормани миллий процессуал қонунчиликка киритишининг мақсадга мувофиқлигини асослантиради.

Мутлақ халқаро судловлилиkn белгилаш давлат суверенитети ва оммавий-ҳукуқий манфаатлар устувор бўлган муносабатлар бўйича амалга оширилади. Давлатларнинг халқаро судловлилиkk оид мутлақ ваколатларини кенг доирада белгилашга бўлган интилиши суд қарорларининг ижро этилмаслигига ва бузилган ҳукуқларнинг реал ҳимоя қилинмаслигига олиб келиши мумкин. Диссертант ушбу дилеммани ҳал қилишда мутлақ халқаро судловлилиkk қоидалари чекланган доирадаги оммавий-ҳукуқий манфаатларга таъсири кўрсатувчи хусусий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозимлиги тұғрисидаги таклифни илгари суради. Хусусан, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидан келиб чиқадиган зарарни ундириши тұғрисидаги низолар; давлат реестрларига ёзувларни киритиши, уларни ўзгартириши ва бекор қилиши билан боғлиқ бўлган ишлар; Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахсга оид корпоратив муносабатлар билан боғлиқ бўлган низолар; Ўзбекистон Республикаси фуқаросини вафот этган деб эълон қилиши, муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаросини фарзандликка олиши тұғрисидаги ишлар бўйича мутлақ халқаро судловлилиkk белгилаш лозимлиги назарий ва амалий жиҳатдан асослантирилган.

Диссертацияда миллий қонунчиликда чет эл давлат судининг қарорларини тан олиш ва ижро этиш босқичида чет эл давлат судининг ваколатга эгалигини аниқлаштирувчи нормалар мавжуд эмаслиги қайд этилиб, халқаро тажриба асосида чет эл давлат судининг ваколатини аниқлаш механизmlарини ишлаб чиқиши зарурлиги асослаб берилган ҳамда билвосита халқаро судловлилиkk қоидаларини жорий қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

## ХУЛОСА

Фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича халқаро судловлилик институтини такомиллаштириш мавзусидаги тадқиқот иши натижасида қуйидаги илмий-назарий ҳамда амалий таклиф ва хulosалар ишлаб чиқилди:

### **I. Илмий-назарий таклиф ва хulosалар:**

